

Ўзбекистон Республикаси
Солини салаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруига
7-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИК Ё.Х. ТУРАКУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**«2-ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТ» НОЗОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ 2025

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги
РИЭИАТМ директори
Алимов А.В.



2025 йил

**«ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 2 ТУР» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР**

Мундарижа

“2-ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТ” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....	5
“2-ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТ” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....	39
“2-ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТ” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ПРОФИЛАКТИКА ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....	46

«2-ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТ»

НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ

Тошкент - 2025

1. Кириш қисми

Ўзбекистон Республикасида доимий равишда эндокрин касалликлар сонининг ортиши ва уларнинг «ёшариши» кузатилмоқда. Маълумки, қандли диабет ва эндокрин тизимнинг бошқа касалликлари сурункали кечиш хусусиятига эга ва оғир асоратларга олиб келади. Эндокрин касалликлар асоратларининг эрта аниқланиши, тўғри ташҳис қўйиш ва даволаш, шунингдек асоратларнинг профилактикаси шу хасталиклар асоратлари натижасида келиб чиқадиган ногиронликларни камайтириш ва беморлар сифатли ҳаёт давомийлигини оширишга олиб келади [1].

Протокол фойдаланувчилари:

1. Эндокринолог-шифокорлар;
2. Оилавий шифокорлар;
3. Кардиолог-шифокорлар;
4. Терапевт-шифокорлар;
5. Соғлиқни сақлаш ташкилотчилари;
6. Тиббиёт олийгоҳлари талабалари, клиник ординаторлари, магистрлари, аспирантлари, ўқитувчилари;
7. 2 тур қандли диабет ташҳиси тасдиқланган беморлар, уларнинг оила вакиллари ва қаровчилар.

Беморлар категорияси: 2 тур қандли диабет ташҳиси тасдиқланган беморлар.

ХКТ-10/11 коди (лар):

E10.9/5A11	Асоратсиз қандли диабет
https://mkb-10.com/index.php?pid=3002	
https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru	

Миллий клиник протоколва стандартларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишнинг эҳтимолий санаси: 2025 йил, асосий далиллар пайдо бўлиши баробарида 2028 йили қайта кўриб чиқилади. Келтирилган тавсияларга киритиладиган тузатишлар мувофиқ ҳужжатларда чоп этилади.

Миллий клиник протоколва стандартларни ишлаб чиқишга маъсул бўлган ташкилот: ЎзР ССВ академик Ё.Х. Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази.

Эндокринология йўналиши бўйича жараён ташкилотидаги ишчи гуруҳ аъзолари.

КЛИНИК ПРОТОКОЛ ВА СТАНДАРТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШДА ҲИССА ҚЎШГАНЛАР:

Алимов Анвар Валиевич т.ф.д., ЎзР ССВ акад. Ё.Х. Тўракулов номидаги

профессор
Халимова Замира Юсуфовна,
т.ф.д., профессор

Рахимова Гулнара Нишановна,
т.ф.д., профессор

Алиева Анна Валеревна, т.ф.д.

Муаллифлар рўйхати:

Рахимова Гулнара Нишановна,
т.ф.д., профессор

Шагазатова Барно Хабибуллаевна,
т.ф.д., профессор
Алиева Анна Валеревна, т.ф.д.

Юсупова Шахноза Кадиржановна,
т.ф.д., доцент
Джураева Азиза Шахзадэенва,
т.ф.н., доцент

Абдураззакова Дилбар Садиковна,
т.ф.н., доцент
Ахроров Камил Убайдуллаевич

Такризчилар:

Камалов Телман Туляганович
т.ф.д., катта и.х.

Шомансурова Зулайхо
Муралимджановна, т.ф.д., доцент

Ташқи эксперт баҳо

Базарбекова Римма Базарбековна
т.ф.д., профессор

РИЭИАТМ, директори
ЎзР ССВ акад. Ё.Х. Тўракулов номидаги
РИЭИАТМ, илмий ишлар бўйича
директор муовини, эндокринолог
ЎзР ССВ ТХКМРМ, эндокринология
кафедраси мудири

FrankMedic клиникаси, эндокринолог

ЎзР ССВ ТХКМРМ, эндокринология
кафедраси мудири

ТМА, ички касалликлар кафедраси
эндокринология курси билан
FrankMedic клиникаси, эндокринолог

АДТИ, эндокринология кафедраси
мудири
ЎзР ССВ ТХКМРМ, эндокринология
кафедраси доценти

АДТИ, эндокринология кафедраси
доценти
ЎзР ССВ ТХКМРМ, эндокринология
кафедраси ассистенти

ЎзР ССВ акад. Ё.Х. Тўракулов номидаги
РИЭИАТМ қандли диабет беморлар
реконструктив-пластик жарроҳлик
бўлими бошлиғи

Central Asian University Medical School

Клиник протокол олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Эндокринологлар ассоциацияси аъзолари, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари (ЎзР ССВ акад. Ё.Х. Туракулов номидаги РИЭИАТМ филиаллар директорлари ва уларнинг муовинлари, ВЭД бош шифокорлари ва уларнинг муовинлари), худудий тиббиёт муассасалари эндокринологлари иштирокидаги оффлайн ва онлайн форматда ўтган 2023-йил 10-ноябрдаги 1-сонли баённомали ишчи гуруҳнинг якуний йиғилишида норасмий келишувга эришилган ҳолда муҳокама қилинди ва тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Ишчи гуруҳ раҳбари – тиббиёт фанлари доктори Фахрутдинова С.С. – ЎзР ССВ акад. Ё.Х. Туракулов номидаги РИЭИАТМ директори в.в.б.

Клиник баённома ЎзР ССВ акад. Ё.Х. Туракулов номидаги РИЭИАТМ Илмий кенгашининг 2023-йил 14-ноябрдаги 12-сонли баённомаси билан кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Илмий кенгаш раиси – тиббиёт фанлари доктори Фахрутдинова С.С. – ЎзР ССВ акад. Ё.Х. Туракулов номидаги РИЭИАТМ директори в.в.б.

Ушбу клиник протокол ва стандарт вазир ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори. Ф.Шарипов, Тиббий суғурта бўлими бошлиғи Ш.Алмарданов, Клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори. С.Убайдуллаева, Клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш бўлими бош мутахассислари Ш.Нуримова, С.Усмонов ва Г.Джумаеванинг ташкилий-услубий ёрдами билан ишлаб чиқилган

Ушбу клиник протокол катталарда қандли диабетни ташхислаш ва даволаш бўйича Америка ассоциацияси ва қандли диабетни ўрганиш бўйича Европа ассоциацияси тавсияларини ўз ичига олган.

Қисқартмалар рўйхати

ЗР–	юрак -қон томир ҳодисаларининг асосий бирлаштирилган уч
МАСЕ	компонентли нуқтаси
HbA1c	гликирланган гемоглобин
PCSK-9	субтилизин -кексин 9-тури пропротеинли конвертазаси
ААФи	ангиотензинга айлантирувчи фермент ингибиторлари
АГ	артериал гипертензия
АЮҚТК	атеросклеротик юрак-қон томир касалликлари
ГТБ	глюкозага толерантликнинг бузилиши
ГЎП-1	глюкагонга ўхшаш пептид-1
ГЎП-1ра	ГЎП -1 рецепторлари агонисти
ГФМ	глюкоза флеш мониторинги
ДИД	далилларнинг ишончилиқ даражаси
ДҚБ	диастолик қон босими
ДМШ	диабетик макула шиши
ДН	диабетик нефропатия
ДНП	диабетик нейропатия
ДОАП	диабетик остеоартропатия
ДПП-4и	4 -тоифа дипептидил пептидаза ингибитори
ДР	диабетик ретинопатия
ЖССТ	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ЖФ	жисмоний фаолият
КУД	кутилаётган умр давомийлиги
КФТ	коптокчалар фильтрация тезлиги
ҚБ	қон босими
ҚД	қандли диабет
ҚД 1	1 -тур қандли диабет
ҚД 2	2 -тур қандли диабет
ҚТИ	қисқа таъсирли инсулин
МВ	модификацияланган ажралиш
МИ	миокард инфаркти
МРТ	магнит -резонанс томография
МСКТ	мультиспирал компьютер томографияси
НБ	нон бирлиги
НГБ	наҳорги гликемиянинг бузилиши
НГЛТ-2и	2 -тоифа натрий-глюкоза котранспортёр ингибитори
НХП	нейтрал Хагедорн протамини
ОАК	оёқ артериялари касалликлари
ОКИ	оёқларнинг критик ишемияси
ПГТТ	перорал глюкоза толерантлик тести
ПЗЛП ХС	паст зичликдаги липопротеин холестерини
ПҚТД	перорал қанд туширувчи дорилар
РФ	Россия Федерацияси

СБК	сурункали буйрак касаллиги
СҚБ	систолик қон босими
СМП	сулфонилмочевина препаратлари
СЮЕ	сурункали юрак этишмовчилиги
ТЕИ	тўпиқ -елка индекси
ТЗД	тиазолидиндионлар
ТИД	тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси
ТМИ	тана массаси индекси
ТПЛК	тўр парда лазер коагуляцияси
УГМ	узлуксиз глюкоза мониторинги
ЎКС	ўткир коронар синдром
УҚТИ	ультра қисқа таъсирли инсулин
ЭКГ	электрокардиография, электрокардиограмма
ЭХО-КГ	эхокардиография
ЮЗЛП	юқори зичликдаги липопротеин холестерини
ХС	
ЮИК	юрак ишемик касаллиги
ЮҚТК	юрак -қон томир касалликлари

** - тиббиётда қўлланиладиган ҳаётий муҳим дорилар рўйхатига киритилган дори воситаси

Далилларнинг исботланганлик даражасини баҳолаш шкаласи (ташхислаш аралашувлари учун)

Далилларнинг исботланганлик даражаси	
1	Референц усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳи
2	Референц усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Референц усул ёрдамида изчил назоратсиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референц усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси

Далилларнинг исботланганлик даражасини баҳолаш шкаласи (профилактика, даволаш ва реабилитацион тадбирлар учун)

Далилларнинг исботланганлик даражаси

- | | |
|---|--|
| 1 | Мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши |
| 2 | Айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно |
| 3 | Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар |
| 4 | Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар серияси тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқоти |
| 5 | Муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси |

Тавсияларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси

- | | |
|----------|--|
| A | Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган) |
| B | Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган) |
| C | Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган, кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари, натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган) |

2. Асосий қисм

2.1. Кириш

Ўзбекистон Республикасида доимий равишда эндокрин касалликлар сонининг ортиши ва уларнинг «ёшариши» кузатилмоқда. Маълумки, қандли диабет ва эндокрин тизимнинг бошқа касалликлари сурункали кечиш хусусиятига эга ва оғир асоратларга олиб келади. Эндокрин касалликлар асоратларининг эрта аниқланиши, тўғри ташҳис қўйиш ва даволаш, шунингдек асоратларнинг профилактикаси шу хасталиклар асоратлари натижасида келиб чиқадиган ногиронликларни камайтириш ва беморлар сифатли ҳаёт давомийлигини оширишга олиб келади [1].

2.2. Таъриф

2-тур қандли диабет (ҚД 2) – углевод алмашинувининг бузилиши бўлиб, инсулинорезистентликнинг устунлиги ва нисбий инсулин етишмовчилиги ёки инсулин секрециясининг бузилиши устунлигининг инсулинорезистентлик билан ёки инсулинорезистентликсиз кечиши натижасида келиб чиқади.

Касаллик ёки ҳолатнинг (касалликлар ёки ҳолатлар гуруҳи) этиологияси ва патогенези

2-тур қандли диабет мураккаб кўп факторли патогенезга эга касаллик ҳисобланади.

Асосий патогенетик механизмлари бўлиб инсулин секрециясининг бузилиши ва инсулинорезистентлик ҳисобланади, аммо 2-тур қандли диабетда сурункали гипергликемияни келтириб чиқарадиган янги нуқсонлар сони доимий равишда ошиб бормоқда [2]:

- Инсулин секрецияси бузилиши;
- Инсулинорезистентлик (мушаклар, жигар, ёғ тўқималарининг инсулин қаршилиги катта аҳамиятга эга);
- Инкретин таъсирининг пасайиши (инкретинлар ошқозон-ичак трактининг гормонлари бўлиб, озик-овқат истеъмолига жавобан ишлаб чиқарилади ва инсулин секрециясини рағбатлантиради; глюкагонга ўхшаш пептид-1 (ГўП-1) ва глюкозага боғлиқ инсулинотропик полипептид);
- α - ҳужайраларида синтез қилинадиган гормон – глюкагон секрециясининг бузилиши ва унинг инсулин таъсирига қарши таъсири билан;

- Буйраклардаги ошган глюкозанинг реабсорбцияси (асосан буйрак каналчаларининг проксимал қисмларида жойлашган 2 -тоифа натрий-глюкоза котранспортер (НГЛТ-2) лар фаоллигининг ортиши)
- Сўнги йилларда 2 тур қандли диабет патогенезида шунингдек иммун тизимининг дисрегуляция/ сурункали яллиғланиш, ичаклардаги микробиотанинг ўзгариши ва бошқа омиллар ҳам муҳокама қилинмоқда [3].

2.3. Қандли диабетнинг таснифи (ЖССТ, 1999, қўшимчалар билан)

https://www.staff.ncl.ac.uk/philip.home/who_dmc.htm

1-тур қандли диабет Иммун воситачилигида Идиопатик 2-тур диабет	Ошқозон ости беши β - хужайраларининг деструкцияси , одатда мутлоқ инсулин етишмовчилигига олиб келади инсулин резистентлик устунлиги ва нисбий инсулин етишмовчилиги билан ёки инсулин резистентлиги бўлган ёки бўлмаган инсулин секрецияси бузилиши устунлиги билан
Қандли диабетнинг бошқа ўзига хос турлари	β -- хужайра фаолиятидаги генетик нуқсонлар Инсулин таъсиридаги генетик нуқсонлар Ошқозон ости беши экзокрин қисм касалликлари Эндокринопатиялар Дори воситалари ёки кимёвий моддалар натижасида ривожланган диабет Инфекциялар Иммун асосланган диабетнинг ноодатий шакллари Баъзида диабет билан кечадиган бошқа генетик синдромлар
Гестацион диабет	Ҳомиладорлик пайтида пайдо бўлади*

*Манифест ҚД дан ташқари

2019 йилда ЖССТ диабетнинг янги таснифини эълон қилди, унда диабетнинг гибрид шакллари ва таснифланмаган диабет пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ХКТ-10 бўйича кодлашнинг мумкин бўлган қийинчиликларини ҳисобга олган ҳолда 1999 йил таснифидан фойдаланишни давом эттириш тавсия этилади.

Қандли диабетнинг бошқа ўзига хос турлари:

β- хужайра функциясидаги генетик нуқсонлар

- | | |
|--|------------------------------|
| - MODY-1 | - транзитор неонатал диабет* |
| - MODY-2 | - турғун неонатал диабет* |
| - MODY-3 | - Митохондриял ДНК мутацияси |
| - MODY нинг жуда кам учрайдиган шакллари | - Бошқалар |

Инсулин таъсиридаги генетик нуқсонлар

- | | |
|-----------------------------------|--------------------------------|
| - А типидagi инсулин резистентлик | - Рабсон - Менденхолл синдроми |
| - Лепречаунизм | - Липоатрофик диабет |
| | - Бошқалар |

Ошқозон ости беzi экзокрин қисм касалликлари

- | | |
|-----------------------------|---------------------------------|
| - Панкреатит | - гемохроматоз |
| - Жароҳат / панкреатэктомия | - Фиброкалькулёз панкреатопатия |
| - ўсмалар | - Бошқалар |
| - Муковисцидоз | |

Эндокринопатиялар

- | | |
|-------------------|-------------------|
| - Акромегалия | - Гипертиреоз |
| - Кушинг синдроми | - Соматотропинома |
| - глюкогонома | - Алдостерома |
| - Феохромоцитома | - Бошқалар |

Дори воситалари ёки кимёвий моддалар натижасида ривожланган диабет

- | | |
|------------------------------|---|
| - Никотин кислотаси | - Диазоксид |
| - глюкокортикоидлар | - Дилантин |
| - Қалқонсимон без гормонлари | - Пентамидин |
| - α-адреномиметиклар | - Вакор |
| - β-адреномиметиклар | - α-интерферон |
| - β-адреноблокаторлар | - Бошқалар (шу жумладан ОИВ билан даволаш, трансплантациядан кейинги қандли диабет) |
| - тиазидлар | |

Инфекциялар:

- | | |
|-------------------|------------|
| - Туғма кизилча | - Бошқалар |
| - цитомегаловирус | |

Иммун асосланган диабетнинг ноодатий шакллари

- | | |
|---|---|
| - инсулинга антитаначалар | - I ва II турдаги аутоиммун полигландулар синдром |
| - инсулин рецепторларига антитаначалар | - IPX синдроми |
| - " Stiff-man " синдроми ("қаттиқ одам" синдроми) | - Бошқалар |

Баъзида диабет билан кечадиган бошқа генетик синдромлар

- | | |
|----------------------|-------------------------|
| - Даун синдроми | - Порфирия |
| - Фридрейх атакцияси | - Прадер-Вилли синдроми |

- | | |
|------------------------------|---------------------|
| - Хантингтон хорейси | - Тёрнер синдроми |
| - Клайнфелтер синдроми | - Вольфрам синдроми |
| - Лоуренс -Мун-Бидл синдроми | - Бошқалар |
| - миотоник дистрофия | |

*Неонатал қандли диабет ташхиси одатда 6 ойлик муддатдан олдин қўйилади.

3. Ташхис усуллари, ёндашувлар ва муолажалар

3.1. 2 тур ҚД ташхиси

Касаллик ёки ҳолатнинг (касалликлар ёки ҳолатлар гуруҳлари) клиник кўриниши

2-тур диабет кўпинча 40 ёшдан ошган, ортиқча вазн ёки семизлиги (айниқса, қорин бўшлиғи тури) бор одамларда ривожланади, лекин у ёшроқ ва нормал тана вазнига эга одамларда ҳам ривожланиши мумкин. Касалликнинг ўзига хос хусусияти узок ва ҳеч қандай белгиларсиз кечишидир. Кўпинча тасодифий ёки 2-тур диабет билан ҳамроҳ бўладиган касалликлар – семизлик, юрак ишемик касаллиги (ЮИК), артериал гипертензия (АГ), подагра, тухумдонлар поликистоз синдроми каби касалликлар билан оғриган беморларда навбатдаги димпансер кўриги пайтида аниқланиши мумкин. Скрининг бўлмаса, ташхис касалликнинг бошланишидан 7-9 йилга кечиктирилиши мумкин.

Шикоятлар*

- ҳолсизлик;
- мазза қочиши;
- ишлаш қобилиятининг пасайиши;
- апатия;
- тери ва вагинал қичишиш;
- полиурия;
- полидипсия;
- кўришнинг даврий хиралашишига шикоятлар;
- оёқларда иссиқлик ҳисси;
- оёқларда тунги пайтда томир тортишиши ва парастезиялар;
- оёқларнинг териси ва тирноқларида дистрофик ўзгаришлар.

** агар гипергликемия тасодифан аниқланса, ҳеч қандай шикоят бўлмаслиги мумкин .*

Анамнез:

Касаллик одатда 40 ёшдан ошган ёшда намоён бўлади, ундан олдин метаболик синдромнинг таркибий қисмлари (семизлик, артериал гипертензия

ва бошқалар) мавжуд бўлади.

Жисмоний текширув

2-тур диабет билан оғриган беморларда:

- ИР белгилари: висцерал семизлик, гипертония, қора акантоз ;
- жигар ўлчамларининг ошиши;
- сувсизланиш белгилари (шиллик пардалар, тери қуруқлиги, тери тургорининг пасайиши, гипотония, гипотермия);
- нейропатия белгилари (парестезия, тери ва тирноқларда дистрофик ўзгаришлар, оёқларнинг ярали нуқсонлари).

2-тур қандли диабет ривожланиши учун ҳавф омиллари:

- Ёши ≥ 45 ёш;
- Ортиқча вазн ва семизлик (Европoidлар учун ТМИ ≥ 25 кг / м² (Осиё аҳолиси учун 23 кг / м²);
- Оилавий анамнезда қандли диабетнинг мавжудлиги (2-тур қандли диабетга чалинган ота-оналар ёки сибслар);
- Одатдаги кам жисмоний фаоллик;
- Анамнезда глюкозанинг наҳорги бузилиши ёки глюкозага толерантликнинг бузилишининг мавжудлиги;
- Анамнезда гестацион диабет ёки йирик ҳомиланинг туғилишининг мавжудлиги;
- Артериал гипертензия ($\geq 140/90$ мм сим.уст. ёки артериал гипертензияга қарши дориларни қабул қилиши);
- ЮЗЛП ХС $\leq 0,9$ ммол /л ва/ёки триглицеридлар даражаси $\geq 2,82$ ммол / л бўлиши;
- Тухумдонлар поликистоз синдроми;
- Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) мавжудлиги .

Абдоминал семизлик инсулин резистентлиги натижаси бўлган ҚД 2 ҳавфининг асосий фактори бўлиб хизмат қилади. Бироқ 2-тур қандли диабетнинг клиник кўриниши мавжуд инсулин резистентлигига β - хужайра дисфункцияси кўшилганда намоён бўлади. 2-тур қандли диабетда β -хужайрага антитаначалар пайдо бўлмайди. 2-тур қандли диабетдаги инсулин резистентлик эндоген ва экзоген инсулинга нисбатан ўзини намоён қилади.

Эндоген инсулин одатда нормал ёки кўп миқдорда ишлаб чиқарилади. Бу одатда диабетик кетоацидознинг олдини олиш учун етарли ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморлар бундай ҳолатга мойил эмас, инсулинга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан кечадиган ўткир ҳолатлар (ўткир яллиғланиш касалликлари, жарроҳлик аралашувлар, ўткир миокард инфаркти (МИ), инсульт ва бошқалар) бундан мустасно ҳисобланади.

2-тур қандли диабет билан оғриган беморлар перорал қанд туширувчи дорилар (ПКТД) ларга яхши жавоб беради. Одатда 2-тур қандли диабет

билан оғриган беморларда ортиқча вазн (ёки семизлик) билан бир қаторда метаболик синдромнинг турли хил кўринишлари – артериал гипертензия, атероген дислипидемия, гиперурикемия, микроалбуминурия, қон ивишининг бузилиши каби ҳолатлар ҳам мавжуд бўлади.

Беморларнинг 20-30 фоизида 2-тур қандли диабетнинг биринчи намоён бўлиш белгилари миокард инфаркти, инсульт, кўришнинг йўқолиши ва бошқа асоратлар орқали кузатилади.

ҚД 2 беморларда қониқарсиз прогноз макро- ва микроваскуляро асоратларнинг ривожланиши билан белгиланади .

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда ўлимнинг асосий сабаби юрак-қон томир касалликлари бўлиб, унинг тарқалиши 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда диабетсиз одамларга қараганда 2-4 баравар юқоридир.

2- ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ТАШҲИСИ

Қандли диабет ва бошқа гликемик бузилишлар ташҳис мезонлари (ЖССТ, 1999-2006)

2-тур қандли диабет ва гипергликемиянинг оралиқ турлари учун ташҳис мезонлари сўнгги 19 йил ичида деярли ўзгармади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ЖССТ томонидан қабул қилинган 2-тур қандли диабетнинг ташҳис мезонлари қўлланилади. Ташҳис глюкоза даражасини лаборатор йўл билан аниқлашга асосланган .

Full article: WHO diagnostic criteria as a validation tool for the diagnosis of diabetes mellitus: A study in five European countries (tandfonline.com)

Аниқлаш вақти	Глюкоза миқдори, ммол /л*	
	Тўлиқ капилляр қон	Веноз плазма
Меъёр		
Наҳорга*	< 5.6	<6.1
ва ПГТТ дан 2 соат ўтгач **	<7.8	<7.8
Қандли диабет _		
Наҳорга*	≥6,1	≥7,0
ПГТТдан 2 соат ўтгач ** ёки	≥11.1	≥11.1
Тасодифий аниқлаш ***	≥11.1	≥11.1
Глюкоза толерантликнинг бузилиши (предиабет)		
Наҳорга (агар аниқланган бўлса)	<6.1	<7,0
ва ПГТТдан 2 соат ўтгач	≥7,8 ва <11,1	≥7,8 ва <11,1
Наҳорги гликемиянинг бузилиши (предиабет)		
Наҳорга ва	≥5,6 ва <6,1	≥6,1 ва <7,0
ПГТТдан 2 соат ўтгач (агар аниқланган бўлса)	<7.8	<7.8

Ҳомиладор аёллар учун нормал ҳолат		
Наҳорга ва ПГТТдан 1 соат ўтгач ва ПГТТдан 2 соат ўтгач	-	<5.1 <10,0 <8.5
Гестацион диабет		
Оч қоринга ва ПГТТдан 1 соат ўтгач ва ПГТТдан 2 соат ўтгач	-	≥5,1, <7,0 ≥10,0 ≥8,5, <11,1

*Наҳорга камида 8 соат ва 14 соатдан кўп бўлмаган очликдан кейин эрталаб қондаги глюкоза миқдорини билдиради.

**ПГТТ – перорал глюкозага толерантлик тести. Ташхисни аниқлаштириш учун шубҳали гликемик қийматлар мавжуд бўлганда амалга оширилади .

*** Тасодифий гипергликемиянинг классик белгилари мавжуд бўлганда, куннинг исталган вақтида, овқатланиш вақтидан қатъи назар қондаги глюкоза даражасини англатади.

ПГТТ ўтказиш қоидалари:

ПГТТ эрталаб камида 3 кунлик чекланмаган овқатланиш (қунига 150 г дан ортиқ углеводлар) ва нормал жисмоний фаолият фонида амалга оширилиши керак. Синовдан олдин 8-14 соат давомида тунги очлик керак (сув ичиш мумкин).

Охирги кечки овқат 30-50 г углеводларни ўз ичига олиши керак. Оч қоринга қон олингандан сўнг, 5 дақиқадан кўп бўлмаган вақт ичида 75 г қурук глюкоза ёки 82,5 г глюкоза моногидратини 250-300 мл сувда эритилган ҳолатда ичиш керак. Синов пайтида чекиш тақиқланади. 2 соатдан кейин яна қон олинади.

Гликолиз ва нотўғри натижаларни олдини олиш учун глюкоза концентрациясини аниқлаш қон олингандан сўнг дарҳол амалга оширилади ёки қон олингандан сўнг дарҳол центрифуга қилиниши ёки 0-4 ° С ҳароратда сақланиши ёки консервант (натрий флуорид) сақлаган пробиркага олиниши керак.

ПГТТ бажарилмайди:

ўткир касаллик фонида;

гликемия даражасини оширадиган дорилар (глюкокортикоидлар, қалқонсимон без гормонлар, тиазидлар, бета-адреноблокаторлар ва бошқалар) ни қисқа муддатли фойдаланиш фонида.

ЖССТ диабетни ташхислаш учун HbA1c дан фойдаланишни тасдиқлади. HbA1c даражаси 6,0% гача (42 ммол / мол) нормал ҳисобланади. Қандли диабет ташхиси HbA1c даражаси 6,5% дан юқори ёки унга тенг бўлганда қўйилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра, HbA1c даражаси 6,0-6,4% (42-47 ммол / мол) бирор бир ташхисни аниқлашга имкон бермайди, лекин қондаги глюкоза даражасига асосланиб қандли

диабетнинг ташхис эҳтимолини истисно этмайди. Ўткир метаболик декомпенсация белгилари бўлмаса, ташхис диабетик диапазондаги иккита рақамга, масалан, икки марта HbA1c ёки битта HbA1c + битта қон глюкозасига асосланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Агар ўткир метаболик декомпенсация билан аниқ гипергликемия ёки аниқ аломатлар бўлмаса, қандли диабет ташхисини ҳар доим кейинги кунларда такрорий қон глюкоза текшируви билан тасдиқлаш керак.

Далиллар ишончлилик даражасидан фойдаланган ҳолда 2-тур қандли диабетни ташхислаш усуллари (ESC, 2023) ([2023 ESC Guidelines for the management of cardiovascular disease in patients with diabetes \(escardio.org\)](https://www.escardio.org/management-of-cardiovascular-disease-in-patients-with-diabetes))

1A	Юрак-қон томир касалликлари бўлган барча одамлар учун наҳорги глюкоза ва/ёки HbA1c дан фойдаланган ҳолда қандли диабет скрининги тавсия этилади.
1B	Агар ҳали ҳам шубҳа мавжуд бўлса, HbA1c ва/ёки наҳорги глюкоза даражаси ёки ПГТТ асосида диабетга ташхис қўйиш тавсия этилади.*

* Юқори глюкоза даражаси ва нормал HbA1c даражалари мавжуд бўлганда стрессли гипергликемияга шубҳа қилиш керак.

Инструментал тадқиқотлар (кўрсатмаларга кўра):

- ЭКГ – ритм бузилишларини, миокард ишемиясини, чап қоринча миокард гипертрофияси белгиларини, систолик юкланишни аниқлаш учун;
- ЭхоКГ – миокарднинг алоҳида қисмларида дистрофия белгилари, ишемия зоналари, қон ҳайдаш фракцияси қийматларининг пасайиши, юрак бўшлиқларининг кенгайиши, миокард гипертрофияси белгиларини аниқлаш учун;
- Қорин бўшлиғи аъзоларининг ультратовуш текшируви - бирга келадиган патологияларни аниқлаш учун;
- Оёқ томирларининг доплер ультратовуш текшируви - оёқларнинг асосий артериялари ва артерияларида қон оқимининг тезлиги параметрларидаги ўзгаришларни аниқлаш учун;
- Холтер мониторинги – қон босимининг яширин кўтарилишини, аритмияларни аниқлаш учун;
- СГМ тизими – глюкоза даражасини пасайтириш терапиясини танлаш ва тўғирлаш, беморларни ўқитиш ва уларни даволаш жараёнига жалб қилиш мақсадида гликемияни кунлик узлуксиз мониторинг қилиш усули;
- оёқларнинг рентгенографияси – диабетик оёқ синдромида тўқималар шикастланишининг оғирлиги ва чуқурлигини баҳолаш учун;

- оёқларнинг трофик яраларидаги ажралмаларнинг микробиологик текшируви – рационал антибиотик терапияси учун;
- оёқларнинг электромиографияси – диабетик полинейропатияни эрта ташхислаш учун;
- Мидриатик бўлмаган кўз туби фотосурати билан офталмоскопия – диабетик ретинопатияни эрта ташхислаш учун.

Қандли диабет қиёсий ташхиси

1-тур қандли диабет, 2-тур қандли диабет, диабетнинг моноген шакллари қиёсий ташхислаш учун С-пептиднинг базал ва стимуляцияланган даражасини, инсулинга (IAA), глутамат декарбоксилаза (GAD), тирозин фосфатаза (IA-2 ва IA-2б), сирт антигенлари (ICA), рух ташувчиси (ZnT-8) антитаначаларини аниқлаш ва молекуляр генетик тадқиқот ўтказилди.

ДАВОЛАШ МАҚСАДЛАРИ

Углевод алмашинувини назорат қилиш кўрсаткичлари (индивидуал даволаш мақсадлари)

Даволашнинг индивидуал мақсадларини танлаш беморнинг ёшига, умр кўриш давомийлигига, оғир асоратларнинг мавжудлигига ва оғир гипогликемия хавфига боғлиқ .

НbA1c ва плазмадаги глюкоза учун даволашнинг мақсадли даражалари

(компенсация мезонлари) (2)

Йил (ADA 2018, ADA&EASD 2015)	Беморнинг хусусиятлари	Мақсадли кўрсаткичлар
2012-2018 йиллар	Кўпгина беморлар учун	HbA1c <7%
Қаттиқроқ HbA1c мақсадлари:	Кучли гипогликемия хавфи бўлмаган янги ташхис қўйилган диабетга чалинган, мотивацияси юқори бўлган ёш бемор учун	HbA1c < 6,5% НГ <6,5 ммол / л ППГ <8 ммол / л
	Ҳамроҳ касалликлар ва асоратлари бўлмаган беморлар учун	HbA1c < 7,0% НГ <7,0м мол/л ППГ <10 ммол/л
Кучсизроқ мақсадли қийматлар HbA1c:	Анамнезида оғир гипогликемия ўтказган бемор учун, Умр кўриш давомийлиги чекланган кекса одам, юрак -қон томир касалликлари билан оғриган , СБК билан касалланган,	HbA1c < 7,5-8% НГ <7,5-8 м мол/л ППГ <11 ммол/л

	мотивацияси паст, даволанишга рия қилмайдиган , ўз-ўзини парвариш қилиш қобилияти пасайган беморлар учун.	
--	---	--

НГ – наҳорги глюкоза , ППГ - постпрандиал глюкоза , овқатдан 2 соат кейинги глюкоза

Далиллар ишончилилик даражаси бўйича тавсиялар (ESC , 2023)) (2023 ESC Guidelines for the management of cardiovascular disease in patients with diabetes (escardio.org))

1А	Микроваскуляр асоратларни камайтириш учун кучли гликемик назорат (HbA1c <7%) тавсия этилади
1Б	Юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларда гипогликемиядан қочиш тавсия этилади
1С	HbA1c мақсадли кўрсаткичларини ҳамроҳ касалликлар, диабетнинг давомийлиги ва умр кўриш давомийлиги асосида индивидуаллаштириш тавсия этилади.
2 В	Узоқ муддатда ЮИК ни камайтириш учун кучли гликемик назоратни кўриб чиқиш керак, афзаллиги ва юрак-қон томир фойдалари исботланган дориларни қўллаш керак .

Қондаги глюкоза даражасини назорат қилиш усуллари

Қондаги глюкоза даражасини ўз-ўзини назорат қилиш учун индивидуал фойдаланиш учун мўлжалланган глюкометрлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ҳозирги даврда индивидуал мақсадли гликемик диапазон учун соналандиган, шунингдек, қондаги глюкоза даражаси ҳақидаги маълумотларни смартфонга ўрнатилган махсус дастурга узатиши имкониятига эга глюкоза ўлчагичлари мавжуд. Улар масофадан назорат қилиш учун ишлатилиши мумкин. Индивидуал глюкометрлар аналитик ва клиник аниқлик учун ГОСТ Р ISO 15197-2015 га мос келиши керак. Плазмадаги глюкоза даражаси <5,6 ммол/л бўлганида, ўлчовлар ўлчовларнинг 95% и эталон анализаторидан ±0,8 ммол/л дан ошмаслиги керак; плазма глюкоза даражаси ≥5,6 ммол/л учун ўлчовларнинг 95% и эталон анализаторидан ±15% дан ортиқ четга чиқмаслиги керак. 99% натижалар Паркс хатолар панжарасининг А ва Б консенсус зоналарида

бўлиши керак.

Қондаги глюкоза даражасининг ўз-ўзини назорат қилишдаги асосий тамойиллари :

- Касалликнинг бошланишида ва декомпенсация даврида - кунига бир неча марта !
- Кейинчалик, глюкозани туширувчи терапия турига қараб:
- Интенсив инсулин терапиясида: кунига камида 4 марта ;
- Перорал гипогликемик терапия ва / ёки ГЎП-1 рецепторлари агонистлари ва / ёки базал инсулин қўллаганда: кунига камида 1 марта турли вақтларда + ҳафтада бир марта 1 гликемик профиль (кунига камида 4 марта);
- Тайёр инсулин аралашмалари бўйича: кунига камида 2 марта турли вақтларда + ҳафтада бир марта 1 гликемик профиль (кунига камида 4 марта);
- диетотерапия бўйича: ҳафтада бир марта куннинг турли вақтларида.
- Қўшимча равишда: ўткир ва сурункали касалликларнинг ўткирлашиш даврида, турмуш тарзини ўзгартириш, жисмоний фаоллик пайтида, гипогликемияга шубҳа бўлганда, автомобил ҳайдаш вақтида қўлланилади.

Липид алмашинуви кўрсаткичларининг мақсадли даражалари

(ESC 2023)

(2023 ESC Guidelines for the management of cardiovascular disease in patients with diabetes (escardio.org))

	Қон зардобидаги кўрсаткичлар
Умумий холестерин , ммол /л	<4.5
ПЗЛП холестерин, ммол / л: ЮҚТК ҳавфи ўртача бўлган одамлар учун ЮҚТК ҳавфи юқори бўлган одамлар учун ЮҚТК ҳавфи жуда юқори бўлган одамлар учун	<2,5 <1,8* <1,4*
ЮЗЛП холестерин ммол л	>1,3 аёллар > 1,0 эркаклар

Триглицеридлар ммол /л	<1,7
* ёки мақсадли даражага эришилмаганда ПЗЛП холестериннинг бошланғич даражадан 50 % ёки ундан кўпроқ пасайиши .	

Юрак-қон томир хавфини аниқлаш учун беморларни танлаш
(ESC, 2023) ([2023 ESC Guidelines for the management of cardiovascular disease in patients with diabetes \(escardio.org\)](https://www.escardio.org/Document-Registry/Escardio-2023-ESC-Guidelines-for-the-management-of-cardiovascular-disease-in-patients-with-diabetes))

Хавф тоифаси	Бемор тоифаси	ПЗЛП холестерин мақсадли қийматлари, ммол/л
Жуда юқори хавф	Юрак-қон томир Атеросклеротик касалликлари билан оғриган ёки бошқа нишон аъзолари шикастланиши мавжуд (2) ёки 3 ва ундан ортиқ катта хавф омиллари (3) мавжуд ҳолатлар ёки 20 йилдан ортиқ давом этган ва эрта бошланган 1-тур қандли диабет бор беморлар	< 1.4
Юқори хавф	Қандли диабет давомийлиги ≥ 10 йилдан ортиқ бўлган нишон аъзоларига зарар етказилмаган + бошқа ҳар қандай қўшимча хавф омили бор беморлар	< 1,8
Ўртача хавф	Ёш беморлар (ҚД 1 <35 ёш ёки 2-тур қандли диабет <50 ёш) 10 йилдан кам давом этган билан бошқа хавф омиллари бор беморлар	< 2.5

1 ммол /л дан мг /дл га ўтказиш : ммол /л \times 38,6 = мг дл

2 Протеинурия, КФТ < 30 мл/мин/1,73 м, чап қоринча гипертрофияси
ёки ретинопатия .

3 Ёш, гипертония, дислипидемия , чекиш, семизлик

**Қон босимининг мақсадли даражалари
(мм рт . Арт.)**

Ёш	Систолик қон босими	Диастолик қон босими
18-65 ёш	> 120 ва ≤130	≥ 70 ва < 80
> 65 ёш	> 130 ва ≤140	≥ 70 ва <80

**ҚАНДЛИ ДАБЕТ ТАШҲИСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УЧУН ТАЛАБЛАР (18,19)**

2-тур қандли диабет

- Диабетик микроангиопатия :
 - Диабетик ретинопатия (ўнг кўзда, чап кўзда босқични кўрсатиш);
 - Тўр парданинг лазер коагуляцияси ёки жарроҳлик даволашидан кейинги ҳолат (агар амалга оширилган бўлса) ... йили;
 - диабетик нефропатия (сурункали буйрак касаллиги ва албуминурия босқичини кўрсатиш);
- Диабетик нейропатия (шаклни, босқични кўрсатиш);
- Диабетик тўпик синдроми (шаклни кўрсатиш);
- Диабетик нейроостеоартропатия (босқичини кўрсатиш);
- Диабетик макроангиопатиялар:
 - ЮИК (шаклини кўрсатиш);
 - Мия қон томирлари касалликлар (қайсилигини аниқлаш);
 - Оёқ артериялари касалликлари (критик ишемияни кўрсатиш);
- Ҳамроҳ касалликлар, шу жумладан:
 - Семизлик (даражасини аниқлаш);
 - Артериал гипертензия (юрак-қон томир асоратлари даражасини, хавфини кўрсатиш);

- Дислипидемия ;
- Сурункали юрак етишмовчилиги (функционал синфни кўрсатиш).

АМБУЛАТОРИЯ ДАРАЖАСИДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ :

Ўткир асоратларсиз 2-тур қандли диабет билан оғриган беморлар амбулатор шароитида даволанади.

Даво мақсадлари:

- гликемия ва HbA1c нинг индивидуал мақсадли даражаларига эришиш;
- қон босимини нормаллаштириш;
- липид метаболизмни нормаллаштириш;
- диабет асоратларининг олдини олиш.

2-тур қандли диабетни даволаш тактикаси:

- Диетотерапия;
- Жисмоний фаоллик;
- Тренинг ва ўз-ўзини назорат қилиш;
- Қанд туширувчи дорилар.

Дори воситаларисиз даволаш:

- Парҳез № 9
- Юрак-қон томир тизимининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда жисмоний фаоллик
- Диабет мактабида тренинг
- Ўз-ўзини назорат қилиш ва СГМ

Дори воситалари билан даволаш:

глюкозани пасайтирадиган терапияни (ГПТ) бошлаш ва интенсификациянинг умумий тамойиллари :

- даволаш тактикасини танлашда ҳар бир беморга индивидуал ёндашувга устунлик берилади (гликемия, қон босими, липидларнинг мақсадли қийматлари);
- Касаллик давомида даволанишнинг асосий қисми - турмуш тарзини ўзгартириш ва касалликларни бошқариш тамойиллари бўйича таълим;
- Беморнинг аҳволига ва 2-тур қандли диабет ташхиси вақтида аниқланган дастлабки HbA1c даражасига қараб даволаш тактикасини табақалаш;

- юрак-қон томир тизимининг атеросклеротик касаллиги (ЮҚТТАК) ривожланишининг индивидуал хавфини ёки ЮҚТТАК, сурункали юрак этишмовчилиги (СЮЕ), сурункали юрак этишмовчилигининг мавжудлигини баҳолаш керак. Сурункали буйрак касаллиги (СБК), гипогликемик самарадорлик даражаси ва гипогликемия хавфи, тана вазнига таъсири;
- НbA1c даражасига асосланган ГПТ самарадорлигини мониторинг қилиш ҳар 3 ойда бир марта амалга оширилади;
- ГПТ ни ўзгартириш (интенсивлаштириш), агар у самарасиз бўлса (яъни, НbA1c индивидуал мақсадларига эришилмаса), 3 ойдан кечиктирмай амалга оширилади.

Мухим дори-дармонлар рўйхати (100% фойдаланиш эҳтимоли билан):

**2-тур диабетни даволаш учун ишлатиладиган қанд пасайтирувчи
дорилар**

(1,2,3,4,5,6,7,8,9)

Фармакологик гуруҳ	Дорининг халқаро патетланмаган номи	Қўллаш усули	Далиллик даражаси
СМ препаратлари	Гликлазид	Перорал	А
	Глимепирид		А
Бигуанидлар	Метформин	Перорал	А
ТЗД лар (глитазонлар)	Пиоглитазон	Перорал	А
ГЎП-1ра	Дулаглутид *	Тери остига	А
	Лираглутид		А
	Ликсисенатид *		А
	Экзенатид *		А
	Семаглутид *		А
	Семаглутид *	Перорал	А
иДПП-4	Ситаглиптин	Перорал	А
	Алоглиптин *		А

	Вилдаглиптин		A
	Линаглиптин *		A
иНГЛТ-2	Эмпаглифлозин	Перорал	A
	Дапаглифлозин		A
	Канаглифлозин *		A
Комбинацияланган дорилар	Ситаглиптин + Метформин	Перорал	A
	Алоглиптин + Метформин *		
	Вилдаглиптин + Метформин		
	Линаглиптин + Метформин *		
	Дапаглифлозин + Метформин		
	Эмпаглифлозин + Метформин		
	Канаглифлозин + Метформин *		
Линаглиптин + Эмпаглифлозин *			
Ультра қисқа таъсирли инсулинлар (инсон инсулинининг аналоглари)	Инсулин лиспро	Тери остиға ёки томир ичига юбориш	A
	Инсулин аспарт		A
	Инсулин глулисин		A
Қисқа таъсир қилувчи инсулинлар	Инсон гено- муҳандислик эрувчан инсулини	Тери остиға ёки томир ичига юбориш	A
Ўрта таъсирли инсулинлар	Инсон гено- муҳандислик изофан инсулини	Тери остиға	A

Узоқ муддатли инсулинлар (инсон инсулинининг аналоглари)	Инсулин гларгин 100 бирлик / мл	Тери остига	A
	Инсулин детемир 100 бирлик / мл	Тери остига	A
Ультра узоқ таъсир қилувчи инсулинлар (инсон инсулинининг аналоглари)	Инсулин деглудек	Тери остига	A
	Инсулин гларгин 300 бирлик / мл		A
Қисқа таъсирли инсулин ва ХПН инсулинларининг тайёр аралашмалари	инсон генетик жиҳатдан яратилган инсулин	Тери остига	A
Ультра қисқа таъсир қилувчи ва ультра қисқа таъсир қилувчи инсулиннинг протоаминланган аналогларининг тайёр аралашмалари	Икки фазали инсулин лизпро* 25/75	Тери остига	A
	Икки фазали инсулин лизпро 50/50*		A
	Икки фазали инсулин аспарт		A
Узоқ муддатли инсулин аналоглари ва ультра қисқа таъсирли инсулин аналогларининг тайёр комбинацияси	Инсулин деглудек + инсулин аспарт 70/30* нисбатда	Тери остига	A
Узоқ муддатли ва узоқ муддатли инсулин ва ГЎП-1 агонистларининг комбинацияланган инъекция препаратлари	Инсулин гларгин + ликсисенатид	Тери остига	A
	Инсулин деглудек + лираглутид *		A
Тирзепатид	ГЎП -1 ра +ГИП*	Тери остига	A

Эслатма: * Ўзбекистонда рўйхатдан ўтмаган

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинмаган дори воситаларининг клиник баённомага киритилиши бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида ва мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизимида тўловларни қоплаш учун асос бўлмайди.

2-тур диабетда гипергликемияни бошқариш (EASD/ADA 2022)
(Management of hyperglycaemia in type 2 diabetes, 2022. A consensus report by the American Diabetes Association (ADA) and the European Association for the Study of Diabetes (EASD) | Diabetologia (springer.com))


- АЮҚТК билан оғриган беморлар учун юрак -қон томир ва буйраклар ҳавфларни камайтириш учун гипогликемик терапиянинг бир қисми сифатида юрак-қон томир фойдалари исботланган ГЎП-1 ра ёки НГЛТ-2 ингибиторларини қўллаш тавсия этилади;
- НГЛТ-2 ингибиторлари ёки ГЎП-1 рецепторлари агонистларини глюкозани камайтирадиган терапиянинг бир қисми сифатида СБК ривожланиши ва юрак-қон томир касалликлари ҳавфини камайтириш учун тавсия этилади;
- СЮЕ бор ёки СЮЕ ривожланишинг юқори ҳавфи беморларда глюкозани камайтирадиган терапиянинг бир қисми сифатида НГЛТ-2 ингибиторларидан фойдаланиш тавсия этилади;
- Метформин препарати уни кўтара олиш шароитида ва моно ёки комбинацияланган терапияда унга қарши кўрсатма бўлмаган тақдирда ва АЮҚТК ва АЮҚТК ҳавф омиллари бўлмаган, СБК бўлмаган, СЮЕ бўлмаган 2-тур қандли диабет беморлар учун дори терапиясини бошлашда устувор дори ҳисобланади;
